**Ўзбекистон Стоматологлар Ассоциацияси**

«Stomatologiya» - илмий-амалий журнал 1998 йилда асос солинган Ўзбекистон **матбуот ва ахборот агентлиги томони-дан 15 август 2007 йилда қайта рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 0289.**

ISSN 2091-5845

# STOMATOLOGIYA

**№ 3, 2025 (100)**

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК) қарорига асосан «Stomatologiya» журнали Фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган республика илмий журналлари рўйхатига киритилган *(ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори билан тасдиқланган)*

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛГОҲИ:**

100048, Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент ш., Махтумкули кўчаси, 103
тел.: +99871-236-26-75;
факс: +99871-230-47-58
Интернетдаги манзилгоҳи:
stomjurnal.tibbiyot.com.

Дизайнер ва компьютерда терувчи:
Е.Алексеев
Муҳаррир О.А.Козлова
Баҳоси келишилган нархда.

Рекламани чоп қилиш ҳақ тўлаш йўли билан амалга оширилади.

Реклама матнининг тўғрилиги бўйича жавобгарлик реклама берувчи зиммасидадир.

Қўлёзмалар, суратлар ва расмлар тақриз қилинмайди ҳамда эгасига қайтарилмайди.

Келтирувчи фактларнинг тўғрилиги, рақамли материалларнинг аниқлиги, препаратларнинг номлари, атамалар, илмий-адабий манбалар, исм ва фамилияларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик муаллифларнинг ҳамда таҳририят ҳайъатининг зиммасидадир.

**Бош муҳаррир: т.ф.д., проф. Нигматов Р.Н.**
**Бош мухаррир муовуни: т.ф.д., проф. Жуматов У.Ж.**
**Масъул котиб: т.ф.н., доц. Рахматуллаева Д.У.**

**ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ**

Ando Masatoshi – АҚШ
Baek il Kim – Жанубий Корея
Daisuke Inaba – Япония
Elbert de Josselin de long – Голландия
Jin Young Choi– Жанубий Корея
Peter Botenberg – Бельгия
Абдуллаев Ш.Ю., т.ф.д, проф.
Аверьянов С.В. (Россия), т.ф.д, проф.
Азимов М.И., т.ф.д., проф.
Акбаров А.Н., т.ф.д., проф.
Алиева Р.К. (Озарбайжон), т.ф.д., проф.
Амануллаев Р.А., т.ф.д., проф.
Бекжанова О.Е., т.ф.д., проф.
Боймуродов Ш.А. (Тошкент), т.ф.д., проф.
Ғаффоров С.А., т.ф.д., проф.
Даминова Ш.Б., т.ф.д., проф.
Ирсалиев Х.И., т.ф.д., проф.
Колбаев А.А. (Қирғизистон), т.ф.д., проф.
Комилов Х.П., т.ф.д, проф.
Мухамедов И.М., т.ф.д., проф.
Нигматова И.М., т.ф.н., доцент
Ризаев Ж.О., т.ф.д., проф.
Рузудинов С.Р. (Қозоғистон), т.ф.д., проф.
Тоиров У.Т. (Тожикистон), т.ф.д., проф.
Токаревич И.В. (Белоруссия), т.ф.д, проф.
Трунин В.А. (Россия), т.ф.д., проф.
Хабилов Н.Л., т.ф.д., проф.
Хасанов А.И., т.ф.д., доц.
Юлдошев И.М. (Қирғизистон), т.ф.д., проф.

**ТАХРИРИЯТ КЕНГАШИ**

Абдукодиров А.А. (Тошкент), т.ф.д., проф.
Ғуломов С.С. (Тошкент), т.ф.д., проф.
Исмоилов М.М. (Фарғона)
Кисельникова Л.П. (Россия), т.ф.д., проф.
Курбонов Ф.Р. (Хоразм)
Тулаганов Б.О. (Тошкент вилояти)
Усмонов Ф.К. (Тошкент), т.ф.н., доц.
Узакберганова У.А. (Нукус)
Хасанова Л.Э. (Тошкент), т.ф.д.
Худанов Б.О. (Тошкент), т.ф.д.
Шукурова У.А. (Тошкент), т.ф.д.
Юлдошев А.А. (Тошкент), т.ф.д.

## СОДЕРЖАНИЕ

### ОРГАНИЗАЦИЯ, ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, ИСТОРИЯ И ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫЙ РАЗДЕЛ

***Abilov P.M., Makhkamova F.T.*** Interleukin levels in the pathogenesis of coronavirus infection (COVID-19) and the effect of a new combination drug (G. lucidum and Alkhadaya) on the course and prognosis of the disease ....................................6-11

### ТЕРАПЕВТИЧЕСКАЯ СТОМАТОЛОГИЯ

***Боймуродов Ш.А., Ахмеров Р.Р., Ахмеров Т.Р., Гусева В.А., Адилова А.Ш.*** ТАП-терапии гипертрофированного гингивита беременных при патологии беременности: кейс-стадия ................11-14

***Камилов Х.П., Бахрамова Ф.Н.*** Функциональное состояние буккального эпителия у беременных и кормящих женщин, заразившихся хроническим рецидивирующим герпетическим стоматитом ....................................................14-21

***Ибрагимова М.Х., Рузикулова М.Ш.*** Клинико-микробиологическая оценка хронического генерализованного пародонтита у пациентов с жировой дистрофией печени .............................21-27

***Латипова С.Б., Тураева Ф.А.*** Кимётерапия олаётган саратон билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғи мукозитлари билан даволаш усулларининг ўзига хос хусусиятлари .................27-30

### ХИРУРГИЧЕСКАЯ СТОМАТОЛОГИЯ

***Жуманиёзов К.Й.*** Йўл транспорт ҳодисалари туфайли юз жағ соҳаси жароҳатларининг учраш даражаси .......................................................31-35

### ОРТОДОНТИЯ

***Нигматов Р.Н., Фаёзова С.Ф., Обиджонова М.Ж.*** Клинико-морфологическое изучение влияния вредных привычек на развитие зубочелюстных аномалий у детей ...................................36-41

***Ахмадалиев К.Х., Сафаров М.Т., Алиева М.Т., Турсуналиев З.З.*** Тиш қатори тремаларида пародонт тўқимаси функционал ҳолатини клиник баҳолаш ........................................................42-45

***Рузиева-Зикирова М.Ш., Рахимбердиева М.Ш., Нигматова И.М.*** Аирайтинг постоянного моляра с помощью техники MEAW после экстракции премоляра ........................................46-50

### СТОМАТОЛОГИЯ ДЕТСКОГО ВОЗРАСТА

***Даминова Ш.Б., Исаходжаева Х.К.*** Состояние и особенности стоматологического статуса детей с нарушением зрения ...........................50-53

## CONTENT

### ORGANIZATION, EPIDEMIOLOGY, HISTORY AND EXPERIMENTAL SECTION

***Абилов П.М., Махкамова Ф.Т.*** Уровень интерлейкинов в патогенее коронавирусной инфекции (COVID-19) и влияние нового комбинированного препарата (G. lucidum и Alkhadaya) на течение и прогноз заболевания ....................................... 6-11

### THERAPEUTIC DENTISTRY

***Boymurodov Sh.A., Akhmerov R.R., Akhmerov T.R., Guseva V.A., Adilova A.Sh.*** TAP-therapy for hypertrophic gingivitis in pregnant women in pregnancy pathology: case stage ....................... 11-14

***Kamilov Kh.P., Bakhramova F.N.*** Functional state of the buccal epithelium in pregnant and lactating women infected with chronic recurrent herpetic stomatitis ........................................................ 14-21

***Ibragimova M.Kh., Ruzikulova M.Sh.*** Clinical and microbiological evaluation of chronic generalized periodontitis in patients with fatty liver disease ............................................................ 21-27

***Latipova S.B., Turaeva F.A.*** Treatment Methods for Oral Mucositis in Cancer Patients Undergoing Chemotherapy 2............................ 27-30

### SURGICAL DENTISTRY

***Jumaniyozov K.Y.*** The rate of occurrence of facial fractures due to road traffic accidents ........................................................ 31-35

### ORTHODONTICS

***Nigmatov R.N., Faezova S.F., Obidzhonova M.Zh.*** A clinical and morphological study of the impact of bad habits on the development of dentofacial anomalies in children .................... 36-41

***Akhmadaliev K.Kh., Safarov M.T., Alieva M.T., Tursunaliev Z.Z.*** Clinical evaluation of the functional state of periodontal tissue in tooth row trema ............................................................ 42-45

***Ruzieva-Zikirova M.Sh., Rakhimberdieva M.Sh., Nigmatova I.M.*** Upwriting of a Permanent Molar Using the MEAW Technique after Premolar Extraction ...................................................... 46-50

### PEDIATRIC DENTISTRY

***Daminova Sh.B., Isakhodzhaeva Kh.K.*** The status and characteristics of the dental status of children with visual impairments ..................... 50-53

*ХИРУРГИЧЕСКАЯ СТОМАТОЛОГИЯ*

УЎК: 614.86.01 (575.171)

# ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ ТУФАЙЛИ ЮЗ ЖАҒ СОҲАСИ ЖАРОҲАТЛАРИНИНГ УЧРАШ ДАРАЖАСИ



**Жуманиёзов К.Й.**
*Урганч давлат тиббиёт институти*

**Долзарблиги:** Транспорт туфайли вужудга келган жароҳатлар кўлами автотранспорт воситаларининг сонини ошиши билан ортмоқда. Статистик маълумотларига кўра, ер юзида бугунги кунда автотранспорт аварияларидан 8 миллионга яқин инсонлар жароҳат олади, шулардан 250–300 минг киши ҳалок бўлади. Бу турдаги жароҳатлар турли хил ва кўп сонли бўлиб клиник кечиши ҳам турличадир. Эркаклар аёлларга нисбатан 5 маротаба кўпроқ жароҳатланадилар.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги стратегиясининг умумий мақсади 2030 йилга келиб йўлларда ўлим ҳолатлари сонини 50% га камайтиришдан иборат. Бу ҳар йили 23 000 кишининг ҳаётини сақлаб қолишга ва 250 000 оғир тан жароҳатларининг олдини олишга олиб келади. Ўлим ҳолатлари ва тан жароҳатлари билан боғлиқ йўқотишларнинг тахминий қисқариши йилига тахминан 16 миллиард АҚШ долларини ташкил этади [5].

Бугунги кунда Россияда йўл-транспорт жароҳатлари муаммоси кенг кенг оммани ташвишга солмоқда. Россия йўл-транспорт ҳодисалари туфайли меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамлар ўлимининг асосий сабаби айланмоқда. Бу ўлим ҳолатларидан ташқари, ҳар йили тахминан 250 минг киши жиддий тан жароҳатлари олади ва касалхонада даволанишга муҳтож бўлади. Бу соғлиқни сақлаш тизимига жиддий муаммо туғдиради, чунки у жароҳатларга тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга, бошқа рақобатбардош устувор вазифаларни ҳам ҳал қилишга ҳаракат қилади [7].

Шаҳарларнинг, айниқса енгил автомобиллар сонини кўпайиб бориши шаҳар кўча тармоғида тирбандликларга, транспорт ҳаракати тезлигининг пасайишига ва йўл ҳаракати хавфсизлигининг ёмонлашишига олиб келади. Катта, тарихан шаклланган шаҳарларнинг транспорт муаммолари уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан мураккаблашади [2].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, автомобиль аварияларидан ўлим ҳолатлари 2000-2020 йилларда 65% га ошган, бу асосан ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига тўғри келади [6,8]. Бугунги кунда автомобиль аварияларидан келадиган тиббий ва иқтисодий зарар турли мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 1-3% ини ташкил этади (умумий зарар ўртача йилига 518 миллиард долларни ташкил этади) [1,13].

Россияда ҳар куни 60-80 киши автоҳалокатларда ҳалок бўлади. 2011 йилда Ўзбекистонда 10 611 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган бўлиб, улар натижасида 2 161 киши ҳалок бўлган ва 11 228 киши тан жароҳати олган. Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ўша йили ҳайдовчилар томонидан 3 896 000 та йўл ҳаракати қоидалари бузилган, шундан 1

588 000 таси жиддий бузилишлардир [10-12]. Йўл-транспорт ҳодисалари асосан жума ва шанба кунлари содир бўлади, бироқ якшанба ва душанба кунлари ҳам йўл-транспорт ходисалари учун оғир кунлар ҳисобланади. 2016 йилнинг 10 ойида 58 885 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган бўлиб, улар натижасида 6 932 киши ҳалок бўлган, 90 314 киши оғир тан жароҳати олган [4,9].

Адабиётлар таҳлили йўл транспорт ҳодисаларидан шикастланишлар, шу жумладан, юз-жағ соҳалари жароҳатлари 34,8–63,32%ни ташкил этишини ва кўпроқ йилнинг иссиқ ойларида кузатилишини кўрсатмоқда. Автоаварияларга кўпинча 49,3% – автотранспорт, 17,8% – мототранспорт, 13,2% – велосипед ва 6,4% – бошқа транспорт воситалари сабабчи бўлади [3].

**Тадқиқот мақсади**

2016-2021 йиллар давомида содир бўлган автоаварияллар туфайли содир бўлган юз жағ жароҳатларини таҳлил қилиш ва уларни солиштиришдан иборат бўлди.

**Материал ва усуллар**

Маълумотлар Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм филиали архивида сақланаётган травматология ва нейрохирургия бўлимлари йиллик статистик ҳисобот маълумотлари ва ижтимоий тармоқларда келтирилган маълумотларидан фойдаланилди. Тадқиқотлар маълумотларни йиғиш, таҳлил этиш ва баҳолашларни ўз ичига олди. Тадқиқот натижаларини математик статистикага таянган ҳолда нисбий қийматлар, ўртача қийматлар, стандартлаш усули, корреляцион таҳлил каби баҳолаш мезонларидан фойдаланган ҳолда ҳисобладик ва таҳлил этдик.

**Натижа ва таҳлиллар:** 2016 жами 227 та йўл транспорт ходисаси кузатилган. йилда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм филиали нейрохирургия ва травматология бўлимларида даволанган 2429 нафар беморлардан 348 нафари йўл транспорт ҳодисасига учраганлар. Нейрохирургия бўлимида уларнинг 14 нафарида пастки жағнинг синиш ҳолати кузатилган бўлса, 61 нафарида қўш жарохатлар, бош миянинг ёпиқ жароҳати, бош миянинг оғир даражадаги сиқилиши, бош мия стволининг оғир даражадаги лати каби жароҳатлар кузатилган. Травматология бўлимида йўл транспорт ҳодисаси туфайли 53 нафар беморларнинг юз қисмида турли даражадаги жароҳатлар кузатилган бўлса, 286 нафар йўл транспорт ҳодисаси иштирокчилари бошқа турдаги турли жароҳатлар билан мурожаат қилишган. Таъкидлаш зарурки 2016 йили жами жами Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм филиалига йўл транспорт аварияси билан мурожаат қилган шахсларнинг 73 нафар шахсининг ўлими билан якунланган.

2017 йилда жами 210 та йўл транспорт ходисаси кузатилган. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм филиали нейрохирургия ва травматология бўлимларида даволанган 2753 нафар беморлардан 332 нафари йўл транспорт ҳодисасига учраганлар. Нейрохирургия бўлимида уларнинг 28 нафарида тананинг юз қисми жароҳатлари кузатилган бўлса, 69 нафарида қўш жарохатлар, бош миянинг ёпиқ жароҳати, бош миянинг оғир даражадаги сиқилиши, бош мия стволининг оғир даражадаги лати каби жароҳатлар кузатилган. Травматология бўлимида йўл транспорт ҳодисаси туфайли 48 нафар беморларнинг юз қисмида турли даражадаги жароҳатлар кузатилган бўлса яна 260 нафар йўл транспорт ҳодисаси иштирокчилари бошқа турдаги турли жароҳатлар билан мурожаат қилишган. Таъкидлаш зарурки 2017 йили жами жами Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм филиалига йўл транспорт аварияси билан мурожаат қилган шахсларнинг 94 нафар шахсининг ўлими билан якунланган.

2018 йилда жами 258 та йўл транспорт ходисаси кузатилган. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм филиали нейрохирургия ва травматология бўлимларида даволанган 2859 нафар беморлардан 298 нафари йўл транспорт ҳодисасига учраганлар. Нейрохирургия бўлимида уларнинг 37 нафарида тананинг юз қисми жароҳатлари кузатилган бўлса, 72 нафарида қўш жарохатлар, бош миянинг ёпиқ жароҳати, бош миянинг оғир даражадаги сиқилиши, бош мия стволининг оғир даражадаги лати каби жа-

роҳатлар кузатилган. Травматология бўлимида йўл транспорт ҳодисаси туфайли 53 нафар беморларнинг юз қисмида турли даражадаги жароҳатлар кузатилган бўлса яна 245 нафар йўл транспорт ҳодисаси иштирокчилари бошқа турдаги турли жароҳатлар билан мурожаат қилишган. Таъкидлаш зарурки 2018 йили жами жами Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм филиалига йўл транспорт аварияси билан мурожаат қилган шахсларнинг 87 нафар шахсининг ўлими билан якунланган.

2019 йилда жами 245 та йўл транспорт ҳодисаси кузатилган. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм филиали нейрохирургия ва травматология бўлимларида даволанган 2648 нафар беморлардан 336 нафари йўл транспорт ҳодисасига учраганлар. Нейрохирургия бўлимида уларнинг 35 нафарида тананинг юз қисми жароҳатлари кузатилган бўлса, 75 нафарида қўш жарохатлар, бош миянинг ёпиқ жароҳати, бош миянинг оғир даражадаги сиқилиши, бош мия стволининг оғир даражадаги лати каби жароҳатлар кузатилган. Травматология бўлимида йўл транспорт ҳодисаси туфайли 55 нафар беморларнинг юз қисмида турли даражадаги жароҳатлар кузатилган бўлса яна 237 нафар йўл транспорт ҳодисаси иштирокчилари бошқа турдаги турли жароҳатлар билан мурожаат қилишган. Таъкидлаш зарурки 2017 йили жами жами Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм филиалига йўл транспорт аварияси билан мурожаат қилган шахсларнинг 79 нафар шахсининг ўлими билан якунланган.

2020 йилда жами 242 та йўл транспорт ҳодисаси кузатилган. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм филиали нейрохирургия ва травматология бўлимларида даволанган 1864 нафар беморлардан 213 нафари йўл транспорт ҳодисасига учраганлар. Нейрохирургия бўлимида уларнинг 21 нафарида тананинг юз қисми жароҳатлари кузатилган бўлса, 63 нафарида қўш жарохатлар, бош миянинг ёпиқ жароҳати, бош миянинг оғир даражадаги сиқилиши, бош мия стволининг оғир даражадаги лати каби жароҳатлар кузатилган. Травматология бўлимида йўл транспорт ҳодисаси туфайли 37 нафар беморларнинг юз қисмида турли даражадаги жароҳатлар кузатилган бўлса яна 208 нафар йўл транспорт ҳодисаси иштирокчилари бошқа турдаги турли жароҳатлар билан мурожаат қилишган. Таъкидлаш зарурки 2020 йили жами жами Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм филиалига йўл транспорт аварияси билан мурожаат қилган шахсларнинг 78 нафар шахсининг ўлими билан якунланган.

2021 йилда жами 335 та йўл транспорт ҳодисаси кузатилган. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм филиали нейрохирургия ва травматология бўлимларида даволанган 2836 нафар беморлардан 395 нафари йўл транспорт ҳодисасига учраганлар. Нейрохирургия бўлимида уларнинг 41 нафарида тананинг юз қисми жароҳатлари кузатилган бўлса, 84 нафарида қўш жарохатлар, бош миянинг ёпиқ жароҳати, бош миянинг оғир даражадаги сиқилиши, бош мия стволининг оғир даражадаги лати каби жароҳатлар кузатилган. Травматология бўлимида йўл транспорт ҳодисаси туфайли 67 нафар беморларнинг юз қисмида турли даражадаги жароҳатлар кузатилган бўлса яна 338 нафар йўл транспорт ҳодисаси иштирокчилари бошқа турдаги турли жароҳатлар билан мурожаат қилишган. Таъкидлаш зарурки 2021 йили жами Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм филиалига йўл транспорт аварияси билан мурожаат қилган шахсларнинг 82 нафар шахсининг ўлими билан якунланган.

**Хулоса**

1. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм филиали нейрохирургия бўлимида 2016 йилда 14 нафар инсонда пастки жағнинг синиш ҳолати кузатилган бўлса, 61 нафар инсонларда эса қўш жарохатлар, бош миянинг ёпиқ жароҳати, бош миянинг оғир даражадаги сиқилиши, бош мия стволининг оғир даражадаги лати каби жароҳатлар

кузатилган.бу кўрсаткичлар мос равишда 2017 йилда 28-69, 2018 йилда 37-72, 2019 йилда 35-75, 2020 йилда 21-63, 2021 йилда 41-84 нафарни ташкил қилди.

2. Травматология бўлимида эса 2016 йилда-53 , 2017 йилда -48, 2018 йилда-53, 2019 йилда-55, 2020 йилда-37 ва 2021 йилда-67 нафар йўл транспорт иштирокчисида тананинг юз қисмиларида турли даражадаги жароҳатлар кузатилган.

3. Йўл транспорт аварияси билан мурожаат қилган шахсларнинг 2016 йилда – 73 нафари, 2017 йилда 94 нафари, 2018 йилда 87 нафари, 2019 йилда 79 нафари, 2020 йилда 78 нафари ва 2012 йилда 82 нафарида бевақт ўлим кузатилган.

**Адабиётлар**

1. Абдуллаев И.К., Жуманиёзов К.Й., Олимова М.М. Динамика дорожно-транспортных происшествий, травматизма и смертности от ДТП за период 2017-2021 гг. // Окружающая среда и здоровье населения: материалы 34-й Всерос. науч.-практ. конф. с междунар. участием. – Казань, 2023. – С. 6-7.

2. Абдуназаров Ж. Показатель аварийности и анализ существующих проблем обеспечения безопасности // Sc.-tech. J. – 2021. – Vol. 4, №4. – P. 44-52.

3. Азимов М.И. Юз-жағ травматологияси: тиббиёт ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Тошкент, 2011. – 197 б.

4. Олимова М.М, Жуманиёзов К.Й. Травма и смертность при автокатастрофах: сб. статей 29-го Междунар. науч.-иссл. конкурса. – Пенза, 2023. – С. 189-195.

5. Региональная стратегия безопастности дорожного движения для стран ЦАРЭС (2017-2030 гг.) // Central Asia Regional Economic Cooperation Program. – Carec Secretariat. – C. 74. www.carecprogram.org.

6. Сахаров А.В. Медико-социальные аспекты дорожно-транспортного травматизма: Автореф. дис. канд. мед. наук. – СПб, 2011. – 18 с.

7. Фаттахов Т. Источники информации о ДТП и учет дорожно-транспортного травматизма в России // Демографическое обозрение. – 2014. – Т. 1, №3. – С. 127-143.

8. Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyarova A.M., Ismoilova B.P. // Europ. Chem. Bull. – 2023. – 12 (Issue 8). – P. 2055-2062.

9. Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyarova A.M., Kurbanova N.N. deaths and injuries as a result of road accidents and the role of cardiovascular diseases in them // International Scientific and Practical Conference. – Polcha, 2022. – P. 34-37.

10. Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyarova A.M., Kurbanova N.N. Peculiarities of distribution of traffic accidents in Khorezm region by population and age // International Scientific-Practical Conference. – Chexiya, 2923. – P. 13-15.

11. Kurbanova N.N et al. Biochemical changes in hepatocyte subcellular fractions in experimental ischemic stroke // Вестн. науки и образования. – 2019. – №7-2 (61). – С. 57-59.

12. Kurbanova N.N et al. Generation of reactive oxygen species in the mitochondrial fraction of hepatocytes in the early stages of experimental ischemic stroke // Вестн. науки и образования. – 2019. – №7-2 (61). – С. 60-62. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/generation-of-reactive-oxygen-species-in-themitochondrial-fraction-of-hepatocytes.

13. Kurbanova N.N. et al. The effect of new plant hepatoprotectors on the level of proinflammatory cytokines in acute toxic liver damage // Int. J. Psychosoc. Rehabilitation. – 2020. – Vol. 24 (Issue 08). – P. 8910-8920.

**Цель:** сравнительный анализ количества травм челюстно-лицевой области, полученных в результате дорожно-транспортных происшествий за 2016-2021 гг. **Материал и методы:** данные были получены из годовых статистических отчетов отделений травматологии и нейрохирургии, хранящихся в ар-

хиве Хорезмского филиала Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи, а также из информации, предоставленной в социальных сетях. Исследование включало сбор, анализ и оценку данных. Результаты исследования были рассчитаны и проанализированы с помощью математической статистики, используя такие критерии оценки, как относительные величины, средние значения, метод стандартизации, корреляционный анализ. **Результаты:** в 2016 г. было зарегистрировано 227 дорожно-транспортных происшествий. Из 2429 пациентов, получавших лечение в отделениях нейрохирургии и травматологии Хорезмского филиала Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи в 2016 г., в дорожно-транспортных происшествиях пострадали 348. Летальный исход наступил у 73 пострадавших. **Выводы:** Из числа людей, сообщивших о дорожно-транспортных происшествиях, в 2016 году погибло 73 человека, в 2017 году — 94, в 2018 году — 87, в 2019 году — 79, в 2020 году — 78 и в 2012 году — 82.

**Ключевые слова:** автоавария, нейрохирургия, травматология, травмы, смерть.

**Мақсад:** 2016-2021-йилларда йўл-транспорт ҳодисалари натижасида жағ-жағ жароҳатлари сонининг қиёсий таҳлилини ўтказиш. **Материал ва усуллар:** маълумотлар Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали архивида сақланаётган травматология ва нейрохирургия бўлимларининг йиллик статистик ҳисоботлари ҳамда ижтимоий тармоқларда тарқатилган маълумотлардан олинди. Тадқиқот маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва баҳолашни ўз ичига олади. Натижалар математик статистика ёрдамида, нисбий қийматлар, ўртача қийматлар, стандартлаштириш усули ва корреляция таҳлили каби баҳолаш мезонларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқилган ва таҳлил қилинган. **Натижалар:** 2016-йилда 227 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиалининг 2016-йилда нейрохирургия ва травматология бўлимларида даволанган 2 минг 429 нафар беморнинг 348 нафари йўл-транспорт ҳодисаларида турли даражада тан жароҳати олган. 73 вафот этди. **Хулоса:** Йўл транспорт аварияси билан мурожаат қилган шахсларнинг 2016 йилда – 73 нафари, 2017 йилда 94 нафари, 2018 йилда 87 нафари, 2019 йилда 79 нафари, 2020 йилда 78 нафари ва 2012 йилда 82 нафарида бевақт ўлим кузатилган.

**Калит сўзлар:** автоҳалокат, нейрохирургия, травматология, жароҳатланиш, ўлим.

**Objective:** To conduct a comparative analysis of the number of maxillofacial injuries resulting from road traffic accidents in 2016-2021. **Material and methods:** Data were obtained from annual statistical reports of the traumatology and neurosurgery departments stored in the archives of the Khorezm branch of the Republican Scientific Center for Emergency Medical Care, as well as from information provided on social media. The study included data collection, analysis, and evaluation. The results were calculated and analyzed using mathematical statistics, using evaluation criteria such as relative values, mean values, standardization method, and correlation analysis. **Results:** In 2016, 227 road traffic accidents were registered. Of the 2,429 patients treated in the neurosurgery and traumatology departments of the Khorezm branch of the Republican Scientific Center for Emergency Medical Care in 2016, 348 were injured in road traffic accidents. 73 died. Conclusions: Of the people who reported road traffic accidents, 73 people died in 2016, 94 in 2017, 87 in 2018, 79 in 2019, 78 in 2020, and 82 in 2012.

**Key words:** car accident, neurosurgery, traumatology, injuries, death.